



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар кўламини кенгайтириш, фуқароларнинг даромадларини изчил ошириб бориш сиёсатини давом эттириш ҳамда уларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш мақсадида қарор қиламан:

I. Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш

1. 2025 йил 1 июлдан бошлаб пенсиялар ва нафақалар ҳамда кам таъминланган оилаларга болалар нафақалари ва моддий ёрдам тўловлари миқдорлари 10 фоизга оширилсин. Бунда:

(а) ёшга доир энг кам пенсия миқдори – ойига 918 000 сўм этиб;

(б) ногиронлик пенсияларининг энг кам миқдори – ойига 1 012 000 сўм этиб;

(в) кам таъминланган оилаларга болалар нафақасининг ҳар ойлик миқдори:

(I) 3 ёшгача бўлган битта кичик фарзанди учун – 360 000 сўм, 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган битта фарзанди учун – 275 000 сўм;

(II) оиланинг иккинчи фарзанди учун қўшимча – 165 000 сўм;

(III) оиланинг учинчи ва ундан кейинги ҳар бир фарзанди учун қўшимча – 110 000 сўм этиб;

(г) кам таъминланган оилалар учун моддий ёрдамнинг ойлик миқдори – 420 000 сўм этиб;

(д) фуқароларга тўланадиган бошқа пенсиялар ва нафақалар миқдорлари иловага мувофиқ белгилансин.

2. 2025 йил 1 августдан бошлаб бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи ва стипендиялар миқдори 10 фоизга оширилсин.

II. Базавий миқдорларни белгилаш

3. Қуйидагилар:

(а) 2025 йил 1 июлдан бошлаб пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори – ойига 471 000 сўм этиб;

(б) 2025 йил 1 августдан бошлаб:

(I) меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори – ойига 1 271 000 сўм;

(II) базавий ҳисоблаш миқдори – 412 000 сўм этиб белгилансин.

III. Молиявий ресурслар

4. Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақлари, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдори оширилиши билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплансин.

IV. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

5. Иш берувчиларга иш ҳақи миқдорини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган ҳолда тўлашни таъминлаб, иш ҳақи миқдорини меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига мувофиқ ошириш тавсия этилсин.

6. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан биргаликда ушбу Фармоннинг мақсади, вазифалари ва ундан кутилаётган натижаларни оммавий ахборот воситалари, Интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш ишларини ташкил қилсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини таъминлаш учун масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров белгилансин.

8. Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

“ОРЗУЛАР ДУНЁСИ”

ҲАЁТГА ИШОНЧИ
БАЛАНД, УМИДИ
ЮКСАК ЁШЛАРНИ
БИРЛАШТИРДИ

6

ЁШЛАР ИШОНЧИ – УСТУВОР ЙЎЛИМИЗ

Хабарингиз бор,
жорий йилнинг 28-
30 май кунлари
Ўзбекистон
Республикаси Олий
Мажлиси Қонунчилик
палатаси ҳузуридаги
Ёшлар парламенти
III чақириқ
биринчи йиғилиши
ҳамда “Ёшларнинг
парламентдаги ўрни”
мавзусида республика
ўқув-семинари бўлиб
ўтди.

7

ИНСОН ЎЗИНГ...

ЧОРРАҲАДАГИ ЁЛҒИЗ АЁЛ



Чорраҳа. Тўрт йўлнинг бири Ирода аталса, унинг қаршисида Қўрқув, яна бир йўл Умид бўлса, унинг зидди Таслимият. Чорраҳада турган ёлғиз аёл ҳали ўттизга ҳам кирмаган. Аммо аллақачон сочиға қиров қўнган, кўзларидан нур қочган, рангпар чеҳрасида маҳзунлик қотиб қолган. Қайси йўлни танлашни билмайди. Ягона ўй-хаёли кун сайин сўниб бораётган фарзандида. Унинг учун осмон қанчалар узоқ бўлса, ер ҳам шунчалар қаттиқ.

Дунё ташвишини нозик елкасида кўтара оладиган матонати бор бу аёлнинг. Керак бўлса, жисм-у жонини минг бўлақларга бўлишсин, чидайди. Аммо тўққиз ой юраги остида асраб, ёруғ оламга келтирган дилбанди оғриқдан “оҳ” тортса, бу елкалар устига улкан тоғ қўлагандай бўлади. Бутун борлиғи парчаланиб кетади. Бошини қай деворга уришни билмайди. Неча ойдирки, аҳволи шу.

5

Самарқанд – Ер юзининг сайқали, цивилизациянинг қадимги ўчоқларидан бири. Бу вилоят Ўзбекистоннинг бой сайёҳлик салоҳиятига эга ҳудудларидан саналади. Географик жиҳатдан жойлашуви, табиий ва маданий ресурсларга бойлиги, иқтисодий имкониятлари билан ҳам Ўзбекистонда етакчи ўринда туради.

САМАРҚАНДЛИК ФАОЛЛАРИМИЗ НИМАЛАР БИЛАН БАНД?





ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ САҲИФАСИ

Ўтган ҳафтада дунё нигоҳи Марказий Осиёга қаратилди. Сабаби, бугунги замонавий халқаро муносабатларда ўзига хос янгича ёндашувлари билан сиёсий майдонда нуфузи ортиб бораётган етакчилардан бири, Италия Бош вазири Жоржа Мелони Марказий Осиёга ташриф буюрди. У ташрифини даставвал Ўзбекистондан бошлади.



Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган олий даражадаги учрашувларда икки томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Кейинги йилларда товар айирбошлаш ҳажми, шу жумладан, етказиб берилаётган маҳсулотлар турининг кенгайгани ҳисобидан қарийб 3 баробар ошди.

Кўшма корхона ва лойиҳалар сони 2 баробар кўпайди. Италиянинг етакчи компаниялари билан металлургия, электротехника, қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, туризм ва бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли кооперация йўлга қўйилган.

Савдо соҳасида бизнесга техник қўмак дастурларини кенгайтиришга келишиб олинди. Европа Иттифоқи бозорига чиқиш учун ўзбекистонлик экспортчиларни ўқитиш, Тошкентда қўшма Сертификатлаш марказини ташкил этиш, Мувофиқлиқни баҳолаш тўғрисидаги битимни қабул қилишни тезлаштириш шулар жумласидан.

Давлатимиз раҳбари Италиянинг етакчи компаниялари билан Технологик шериклик дастурини ишга туширишни тақлиф қилди.

Хусусий тадбиркорликнинг инновацион лойиҳалари, ўта муҳим минераллар ва қишлоқ хўжалиги хом ашёсини чуқур қайта ишлаш, автомобилсозлик учун бутловчи қисмлар, электротехника, энергетика, озиқ-овқат, фармацевтика, қурилиш санавтаида юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, тўқимачилик, чарм, мебелсозлик ва бошқа тармоқлар учун дизайн марказларини очиш устувор йўналишлар сифатида белгиланди.

Комплекс "йўл харитаси" асосида қишлоқ хўжалигида кенг қўламли илмий-технологик ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Узум, зайтун, заъфарон, сарсабил етиштириш, агролабораториялар ташкил этиш, биотехнологияларни ривожлантириш ва агросуғуртани жорий қилиш бўйича кооперация истиқболлари қайд этилди.

Таълим соҳасида мамлакатимизда Тушия университети филиалини, Пиза, Тренто, Рома Тре ва Ка-Фоскари университетлари билан икки томонлама диплом дастурларини ишга тушириш режалари қўллаб-қувватланди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Италия Республикаси Бош вазири Жоржа Мелони Стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш тўғрисидаги қўшма декларацияни қабул қилдилар.

Улар ҳузурида имзоланган ҳужжатлар:

- инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя

қилиш тўғрисида;
- стратегик аҳамиятга эга хом ашё соҳасида ҳамкорлик тўғрисида;
- миграция ва ҳаракатланиш эркинлиги соҳасида ҳамкорлик тўғрисида;
- барқарор ривожланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, шунингдек, маданий меросни сақлаш соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида;

- Иқлим жамғармаси ва Италия қишлоқ хўжалиги конфедерацияси билан ҳамкорлик, "Sogesid" ва "Ansaldo" компаниялари билан "яшил" ривожланиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида.

Тушия, Пиза ва Турин университетлари билан шериклик тўғрисидаги икки томонлама битимларни алмашиш маросими ҳам ўтказилди.

Расмий ташриф доирасида Италия Миллий тадқиқотлар маркази, "SIMEST" ва "Danieli" компаниялари, Перужа университети ҳамда бошқа ташкилотлар билан қатор ҳужжатлар имзоланди.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ – ИТАЛИЯ САММИТИ

Италия Бош вазири Жоржа Мелонининг Марказий Осиёга ташрифи давомида Остона шаҳрида “Марказий Осиё – Италия” саммити бўлиб ўтди.

Учрашувда минтақамиз мамлакатлари ва Италия ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Президентимиз нутқи аввалида ушбу тадбир жорий йил апрель ойида Самарқандда ўтган саммитда Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи ўртасида эришилган стратегик шериклик тўғрисидаги келишувларнинг узвий давоми эканини таъкидлади.

Бугунги глобал ва минтақавий сиёсатдаги тенденцияларни, хавфсизлик ва тараққиётга нисбатан умумий таҳдидларнинг кучайишини ҳисобга олган ҳолда Италия билан кўп томонлама мулоқотга эҳтиёж ортиб бормоқда.

Шу билан бирга, минтақанинг Италия билан кўп асрлик савдо ва маданий алоқалари янги босқичдаги кенг қамровли шериклик учун мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтамоқда.

Кун тартибидаги масалаларга ўтар экан, Ўзбекистон раҳбари "Марказий Осиё - Италия" форматидagi ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бўйича ўз қарашларини баён этди.

Аввало, қатор долзарб халқаро масалалар юзасидан ёндашувларни мувофиқлаштириш учун ташқи ишлар вазирликлари даражасида мунтазам

мулоқотларни давом эттириш муҳимлиги таъкидланди. Шунингдек, терроризм, экстремизм, радикализм, гиёҳванд моддалар савдоси ва ноқонуний миграцияга қарши курашда кўп томонлама шериклик ва махсус хизматларнинг ахборот алмашиш механизмларини йўлга қўйиш тақлиф этилди.

Иқтисодий соҳада давлатимиз раҳбари сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Италия ўртасидаги товар айирбошлаш ва инвестициялар ҳажми уч баробар ошганини мамнуният билан қайд этди. Италиянинг етакчи компаниялари билан технологик ҳамкорлик лойиҳалари амалиётга муваффақиятли татбиқ қилинмоқда.

Италия ишбилармон доираларининг инновацион ривожланиш борасида аънавий кучли мавқеини ҳисобга олиб, мамлакатларимиз савдо-саноат палаталари шафелигида бизнес мулоқоти учун доимий майдон - "Марказий Осиё - Италия" ишбилармонлар клубини ташкил этиш тақлиф қилинди. Тадбиркорлар иштирокидаги бундай учрашувлар ҳар йили минтақа мамлакатлари ва Италия пойтахтларида ўтказилади.

Ўзбекистон Президенти технологиялар трансфери, илғор билим ва тажрибаларни жорий этиш, юқори технологияли саноат ишлаб чиқаришларини ташкил этиш учун қулай шароитларни яратишни назарда тутувчи кўп томонлама Саноат ва технологик ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш муҳимлигини таъкидлади.

Мавжуд муваффақиятли тажрибани ҳисобга олиб, минерал ресурслар ва қишлоқ хўжалиги хом ашёсини чуқур қайта ишлаш, электротехника, кимё, тўқимачилик, чарм, озиқ-овқат ва бошқа қайта ишлаш тармоқлари учун замонавий ускуналар ишлаб чиқариш, бутловчи қисмлар ва саноат маҳсулотларини маҳаллийлаштириш, Италиянинг етакчи брендлари иштирокида дизайн марказларини ташкил этиш ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бўлиши мумкинлиги айтилди.

"Яшил" трансформация соҳасида Италия билан самарали ҳамкорликни юқори баҳолаб, Ўзбекистон етакчиси углерод чиқиндиларини камайтириш бўйича миллий дастурларни амалга оширишга қўмаклашадиган кўп томонлама платформани йўлга қўйиш орқали кенг қамровли шериклини ривожлантиришга чакирди.

Қайта тикланувчи энергетика соҳасидаги лойиҳаларни, жумладан, Европа Иттифоқи мамлакатларига "яшил" энергия етказиб бериш, Италиянинг етакчи ишлаб чиқарувчилари ва муҳандислик компанияларини жалб этган ҳолда корхоналарни аудитдан ўтказиш ва энергия самарадорлигини ошириш, сув инфратузилмаси объектларини модернизация қилиш ва водород технолгияларини ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга тайёрлик билдирилди. Ўзбекистон Президенти муҳандислик, дизайн, сув тежамкорлиги ва биотехнологиялар каби йўналишларда илмий ишланмалар, академик алмашинув ва кадрлар тайёрлаш дастурларини амалга ошириш ва молиялаштириш учун "Марказий Осиё - Италия" илмий-таълим консорциумини ташкил этиш ташаббусини илгари сурди.

Етакчи туроператорлар ўртасида шериклик алоқаларини ўрнатиш ва қўшма сэйёҳлик маҳсулотларини яратиш мақсадида туризм альянсини ташкил этишдан манфаатдорлик билдирилди.

Италия жамоатчилиги Рим ва Флоренцияда ўтказилган кўргазма ва маданий тадбирларга катта қизиқиш билдиргани мамнуният билан қайд этилди.

Шу муносабат билан келгуси йили Хива шаҳрида минтақа мамлакатлари ва Италия ёшларининг креатив иқтисодиёт ва маданий алмашинув форумини ўтказиш тақлиф қилинди.

Тадбир якунида Қўшма баёнот қабул қилинди.

ЭКСПЕРТЛАР НИГОҲИДА

Сан-Пабло университети Ижтимоий тадқиқотлар институти профессори, Марказий Осиё минтақаси бўйича эксперт Антонио Алонсо (Испания) "Дунё" АА учун интервьюсида Италия Бош вазири Жоржа Мелонининг 28-29 май кунлари Ўзбекистонга қилган ташрифи ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашди.

– Ушбу ташриф мураккаб дунёда тинч ўзаро ҳамкорлик ва фаровонликка умид уйғотади. Унинг асосий мақсади нафақат Тошкент ва Рим ўртасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш ва кенгайтириш, балки Италия томонидан Президент Шавкат Мирзиёевнинг муҳим ислохотларини қўллаб-қувватлашининг тасдиғидир.

Шу билан бирга, Жоржа Мелони нафақат Италияни, балки Европа Иттифоқининг ҳам муҳим овози эканлигини унутмаслигимиз керак.

Италия ўз иқтисодиёти ва Жоржа Мелони Бош вазир сифатида ўйнаган роли туфайли Европа Иттифоқининг етакчи давлатларидан биридир.

Самарқанд Конгресс марказида бўлиб ўтган музокаралар Ўзбекистон — Италия стратегик шериклик муносабатлари юксак даражада эканини тасдиқлади.

ўрнини босмайдиган кўп векторли сиёсатга содиқлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шунингдек, Италия томонининг иқтисодий прагматизми ҳам алоҳида эътиборга лойиқ бўлиб, Италиянинг Ўзбекистонга қизиқиши стратегик шериклик характериға эга эканлигини кўрсатади. Ушбу ташриф ЕИнинг минтақа билан ҳамкорликни аънавий Евроатлантика таъсиридан ташқарида, айниқса, Евроосиё инфратузилмаси, энергетика ва логистика ресурслари учун ўсиб бораётган глобал рақобат шароитида чуқурлаштиришга қаратилган кенгроқ сиёсатининг бир қисмидир.

Ўзбекистоннинг ЕИ, жумладан, Италия билан кенгайган ҳамкорлиги йирик Евроосиё лойиҳалари доирасида Хитой ва Европа манфаатлари мутаносиб бўлиши мумкин бўлган уч томонлама ҳамкорлик имкониятларини очиб беради.

Умуман олганда, Италия Бош вазирининг ташрифи

Ўзбекистоннинг минтақавий сиёсат ва жаҳон иқтисодиётидаги роли ортиб бораётганининг табиий натижаси сифатида баҳоланмоқда. Бу кўп томонлама муносабатларни мустаҳкамлашга ҳисса қўшади. Расмий Тошкентнинг геосиёсий салмоғини оширади ҳамда Хитой, Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё



Томонлар Европа Иттифоқи институтлари билан ҳамкорликни кучайтириш ва "Марказий Осиё – Италия" саммитига фаол тайёргарлик кўришга келишиб олдилар.

Меҳнат миграцияси ва кенг қамровли "йўл харитаси"ни тайёрлаш тўғрисидаги битимларнинг имзолангани икки давлатнинг нияти ва муносабати қанчалик жиддийлигини тасдиқлайди.

Шу нуқтага назардан, Европа Иттифоқида Италия Венгрия, Франция ва Германия қаторида Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон билан алоқаларни мустаҳкамлаш жараёни фаол давом этаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Мунтазам сиёсий мулоқотлар, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмининг ўсиши – буларнинг барчаси яқинлашув учун сиёсий ирода мавжуд бўлса, маданий-географик масофалар муҳим роль ўйнашдан тўхташнинг яққол далилидир.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, Италия Бош вазири Жоржа Мелонининг Ўзбекистонга ташрифи ва Самарқандда ўтказилган музокаралар икки давлат муносабатларида янги саҳифа очмоқда. Бу ҳар қандай қийинчиликларга қарамай, сиёсий ирода ва конструктив мулоқот орқали халқлар ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи таъсирчан натижаларга эришиш мумкинлигини кўрсатади.

Шанхай глобал бошқарув ва минтақавий тадқиқотлар академияси директори Ян Чэн (Хитой) "Дунё" АА учун интервьюсида Италия Бош вазири Жоржа Мелонининг 28-29 май кунлари Ўзбекистонга буюрган ташрифи ҳақидаги фикрларини билдирди.

– Италия Бош вазирининг Ўзбекистонга ташриф Европа Иттифоқининг Марказий Осиёдаги сиёсий ва иқтисодий иштирокини кучайтириш йўлидаги муҳим кадам сифатида баҳоланмоқда. Европа Иттифоқининг етакчи давлатларидан бири раҳбарининг Самарқандга ташрифи Ўзбекистонга минтақадаги асосий ҳамкор сифатида халқаро қизиқиш ортиб бораётганини таъкидлаб, унинг ишончли ва мустақил иштирокчи сифатидаги мақомини тасдиқлайди.

Ташриф мазмунини, жумладан, инвестиция, "яшил" энергетика, саноат кооперацияси, маданият ва таълим соҳаларидаги келишувларнинг имзоланиши ислохотчи Ўзбекистоннинг барқарорлиги ва очиклигини акс эттирувчи ижобий сигналдир. Расмий Тошкентнинг Европа йўналиши Хитой билан стратегик шерикликни тўлдирадиган, унинг

мамлакатлари ўртасида, айниқса, барқарор ривожланиш, технология ва логистика соҳаларида қўшма ташаббуслар учун қўшимча ўсиш нуқталарини яратиши мумкин.

ASEAN Савдо-саноат палатаси раиси, Ўзбекистон — Малайзия бизнес альянси бош котиби Сухайми Шаҳадан эса қуйидаги фикрларни билдирган:

– ASEAN давлатлари ва Марказий Осиё ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда фаол иштирок этаётган ишбилармон доиралар раҳбари сифатида Ўзбекистон ва Италия ўртасидаги иқтисодий ҳамда дипломатик ҳамкорликнинг ўсиб бораётган динамикасини мамнуният билан қайд этаман.

Остонадаги "Италия – Марказий Осиё" саммити арафасида бўлиб ўтган Италия Бош вазири Жоржа Мелонининг Ўзбекистонга ташрифи Рим ва Марказий Осиё давлатлари пойтахтлари ўртасидаги бутун мулоқотга конструктив ва ишончли тус берди.

Президент Шавкат Мирзиёев томонидан Самарқандда Бош вазир Мелони саммий ва эҳтиром билан кутиб олингани нафақат ўзбек дипломатиясининг юксак маданиятини намойиш этди, балки Қозғистондаги форум доирасида хозир сезилаётган ўзаро ҳурмат ва қизиқиш муҳитини янада мустаҳкамлади.

Тарихий ва халқаро очиклик тимсоли бўлган Самарқанд технологик, таълим ва сармовий ҳамкорликнинг янги йўналишларини белгилаб берган музокаралар жойига айлангани бежиз эмас.

Ўзбекистоннинг Италиянинг етакчи компаниялари иштирокида Технологиялар бўйича ҳамкорлик дастурини йўлга қўйиш ва қўшма сармоя фондини яратиш ташаббусини юқори баҳолайман. Бу чора-тадбирлар, шунингдек, экспортни сертификатлаштириш, юқори технологияли маҳсулотларни қайта ишлаш ва маҳаллийлаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани саноатни модернизация қилиш ва иқтисодиётни диверсификация қилиш бўйича устувор йўналишларга мутлақо мос келади.

Малайзия ва, умуман, Жануби-шарқий Осиё бизнеслари учун Ўзбекистон тобора муҳим ҳамкорга айланиб бормоқда. Ўзбекистон — Италия ҳамкорлигининг чуқурлашиши уч томонлама форматлар — Ўзбекистон — Европа Иттифоқи – ASEAN учун ҳам янги уфқларни очади.

Расмий хабарлар асосида А.ҚУРБОНОВ тайёрлади.



Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Йиғилиш кун тартибидан 5 та масала ўрин олган эди. Депутатлар даставвал Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2024 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқишди. Ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж. Қўчқоров ўқиб эшиттирди.

Таъкидланганидек, Давлат бюджетининг 2024 йилдаги ижроси “2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунда белгиланган бюджет параметрлари доирасида амалга оширилган бўлиб, жаҳонда халқаро савдодаги мураккаб вазиятларга қарамасдан, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш имконини берди. Ялпи ички маҳсулот ҳажми 2023 йилга нисбатан 6,5 фоизга, иқтисодий ўсишнинг асосий драйвери бўлган хизматлар соҳаси 12,9 фоизга, қурилиш соҳаси 8,8 фоизга ҳамда саноат соҳаси 6,8 фоизга ошган. Шунингдек, мамлакатда йиллик инфляция 9,8 фоизни ташкил этиб, ташқи савдо айланмаси 65,9 млрд. долларга етган. 2024 йил учун Давлат бюджети даромадлари 2023 йилга нисбатан 118,4 фоизга, Давлат бюджети харажатлари қарийб 111,0 фоизга бажарилган. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2025 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисобот ҳам кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, ялпи ички маҳсулот ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 6,8 фоиз, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 6,5, бозор хизматлари 12,6, қурилиш ишлари 10,8 ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш 3,8 фоизга ошгани мамлакатимизда иқтисодий ислохотларнинг самарадорлигини кўрсатмоқда. Шунингдек, ҳисобот даврида Давлат бюджети даромадлари 104,5 фоизни, харажатлар бўйича режа кўрсаткичлари 92 фоизни ташкил қилгани бюджет барқарорлиги таъминланаётганидан далолат бермоқда.

Мажлисда депутатлар Давлат бюджети маблағларининг 49,0 фоизи ёки 152,3 трлн. сўми ижтимоий соҳа харажатларини молиялаштиришга сарфлангани, ушбу харажатларнинг 89,3 фоизи ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, уй-жой билан таъминлаш дастурларини молиялаштиришга йўналтирилганини ижобий баҳоладилар. Шу ўринда, таълим-тарбия соҳасида ислохотларни янада чуқурлаштириш учун 71,2 трлн. сўм, аҳолига сифатли тиббий хизматлар кўрсатилишини таъминлаш мақсадида 36,0 трлн. сўм, кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси, моддий ёрдам ва компенсация тўловлари учун 15,4 трлн. сўм миқдорига маблағ ажратилгани бугунги кунда ўзининг амалий натижасини кўрсатмоқда.

Халқ вакиллари эришилган ижобий натижалар билан бир қаторда, айрим хато ва камчиликлар мавжудлигига ҳам эътибор қаратдилар. Хусусан, ҳисобот даврида бюджетдан етарлича маблағлар ажратилишига қарамасдан, айрим вазирлик ва идоралар маблағларни тўлиқ ўзлаштира олмагани Қишлоқ хўжалиги, Энергетика, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирликлари ҳамда Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги каби биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар мисолида ҳақли эътирозларга сабаб бўлди.

Жумладан, ЎзХДП фракцияси аъзоси Шокиржон Аҳмедов шундай саволни ўртага ташлади: “Ҳисоботда 2024 йилда 886 триллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқилгани айtilган. Хабаримиз борки, шу пайтгача 126 мингдан ортиқ саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар тузилган. Лекин, афсуски, улардан 57 мингдан ортиғи ҳозирги кунда

фаолият кўрсатмаяпти. Бу минглаб иш ўринлари қисқариши, ўша корхоналарда ишлаган инсонларнинг даромадсиз қолиши ва давлат бюджетига солиқ тушумининг камайишига олиб келади. Ҳозир бермоқчи бўлган саволимни кеча фракция йиғилишида ҳам берган эдим. Лекин аниқ жавоб олмадим. Саволим шундан иборатки, бугунги кунда фаолиятини тўхтатган 57 мингдан ортиқ саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга мослашган корхоналарнинг фаолиятини йўлга қўйиш, йўқотилган иш ўринларини тиклаш бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда?”

Саволга мутасадди қуйидагича жавоб берди:

– Жойларда вертикал тизим жорий этилган. Яъни, Республика, вилоят, туман тизими. Ҳар бир вилоятга ишчи гуруҳи жўнатилиб, фаолияти вақтинча тўхтаб қолган, маълум бир қийинчиликка учраган саноат корхоналарига ёрдам тизими жорий этилган. Жумладан, ўтган йили амалга оширилган ишлар натижасида 2,5 мингга яқин шундай корхоналарининг фаолияти тикланган. Албатта, бу доимий жараён. Бу ҳақида биз доимий батафсил маълумотлар тақдим этамиз.

ЎзХДП фракцияси аъзоси Сайёра Имомова Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига савол берди.

– Ўтган йиллар сингари жорий йилда ҳам камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда, - деди С. Имомова. - Таъкидлаш жоизки, ушбу соҳага 9 триллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилган. Шу маблағнинг натижадорлиги ҳамма учун кизик, десам муболаға бўлмайди. Лекин ҳисоботда келтирилган ижрога оид кўрсаткичларни, ўзлаштирилиши қўтилган маблағлар ва амалга оширилган ишларнинг мутаносиблигини таҳлил қилиш қийин бўлмоқда. Маблағлар тақсимоти бўйича қайси ҳудудга қанча маблағ ажратилган, қайси лойиҳа қандай натижа бергани ҳақида маълумот келтирилмаган. Вазирлик томонидан камбағалликни қисқартиш ва аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган маблағлардан фойдаланишнинг мақсадлилиги ва натижадорлиги бўйича статистик маълумотлар бўлса, бизга тақдим этсангиз, мақсадга мавофиқ бўлар эди. Чунки бу ҳақида кеча биз фракция йиғилишида ҳам сўрадик, лекин тақдим этилмади.

Депутатимизнинг саволига “Албатта, бундай маълумот бор. Бир қисми умумлаштирилган ҳолда ижтимоий тармоқлар орқали ҳам эълон қилинади. Худудлар, туманлар кесимида қайси стратегияга қанча ишлатилгани ҳақида батафсил маълумот тақдим этамиз”, дея жавоб берди камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири.

Узоқ давом этган муҳокамалардан сўнг сиёсий партиялар фракция раҳбарлари ўз позицияларини эълон қилди. Жумладан, ЎзХДП фракцияси раҳбари Улуғбек Иноятов Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетининг 2024 йил якунлари ва 2025 йил биринчи чораги ижроси бўйича Ҳукумат ҳисоботи фракцияда танқидий таҳлил қилинганини айтиб ўтди. 2024 йилда Давлат бюджети даромадлари 272,4 триллион сўмни ташкил қилгани, бу 2023 йилга нисбатан 18 фоизга ошгани ҳамда ижтимоий харажатларни молиялаштириш учун давлат умумий харажатларининг 50 фоизи ажратилганини эътироф этди.

Фракция раҳбари шу билан бирга камбағалликни қисқартириш, аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган тадбирларни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 37,2 триллион сўм маблағ ажратилиб, 720 мингдан ортиқ фуқаро камбағалликдан чиқарилганини алоҳида таъкидлади.

У. Иноятов фракция ҳисобот даврида амалга оширилган ижобий ишлар билан

бир қаторда бюджет ижроси бўйича айрим камчилликларга ҳам эътибор қаратганини қайд этиб ўтди.

Бунда айрим вазирлик ва идоралар томонидан бюджет маблағлари ўзлаштирилмагани, маблағлар самарасиз ишлатилгани, нотўғри ажратилган субсидиялар борлиги, имтиёзлар мақсадсиз берилганлигини кўриш мумкинлиги айтилди ҳамда аниқ мисоллар келтирилди.

Масалан, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 6,8 фоизга ошганига қарамай, ушбу тармоқдаги 57 мингта корхона ишламай тургани ёки ҳисобот даврида бюджетдан етарлича маблағ ажратилса-да, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик, Қишлоқ хўжалиги, Энергетика вазирликлари маблағларни тўлиқ ўзлаштиролмагани қайд этилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармасига ажратилган маблағларни ўз вақтида ўзлаштирмагани, партия

КЕЧАГИ МАЖЛИСНИ КУЗАТГАН ҲАР ҚАНДАЙ ИНСОНДА ПАРЛАМЕНТ ОЛДИДА ҲИСОБДОРЛИК ҚАНДАЙ БЎЛИШИ ҲАҚИДА МУАЙЯН ТАСАВВУР УЙҒОНИШИ ТАБИЙ. ЧУНКИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ МУҲОКАМАСИГА КЕЛГАН ВАЗИРЛИК ВА ИДОРА РАҲБАРЛАРИ ДЕПУТАТЛАРДАН ЙЎЛЛАНГАН САВОЛЛАРГА ЖАВОБ БЕРИШ УЧУН ТАЙЁРЛИГИ ҲУКУМАТ АЪЗОЛАРИНИНГ ПАРЛАМЕНТ ОЛДИДАГИ МАСЪУЛИЯТИНИ КЎРСАТАДИ.

электорати бўлган заиф эшитувчи болалар операцияси учун маблағ йўналтирилмагани, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги болаларни мактабга тайёрлаш қамровини ошириш бўйича оилавий боғчаларга ажратилган маблағларнинг самарадорлиги пастлиги учун танқид қилинди.

ЎзХДП фракцияси раҳбари шу билан бирга Давлат бюджети ижроси бўйича фракциянинг тавсияларини айтиб, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетининг 2024 йил якунлари ва 2025 йил биринчи чораги ижроси бўйича ҳисоботни шартли равишда қўллаб-қувватлашини билдирди.

Йиғилишда ташқи ишлар вазири Б.Саидовнинг “Хорижий мамлакатларда бўлиб турган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида” парламент сўровига берилган жавоби кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда хорижда бўлиб турган Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан кенг қўламли ва тизимли ишлар амалга оширилган. Хусусан, хорижда ҳужжатсиз қолиб кетган фуқароларимизга Ватанга қайтиш гувоҳномаси ва паспорт расмийлаштирилган, консуллик рўйхатига қўйиш, Ўзбекистондан зарур ҳужжатларни сўраш, доимий яшашга рухсатнома

расмийлаштириш, судланмаганлик ҳақида маълумотнома олиш, ҳайдовчилик гувоҳномаларини алмаштириш чоралари кўрилган.

Қайд этилганидек, ҳозирги кунда хорижда вақтинчалик ва доимий истиқомат қилувчи Ўзбекистон фуқароларига 15 хил консуллик хизматлари тўлиқ рақамлаштирилган бўлиб, электрон портал орқали интерактив шаклда хизмат кўрсатиб келинмоқда.

Бундан ташқари, фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларини қайд этиш масалалари бўйича фуқаролар алоҳида электрон платформа орқали ариза топширишлари учун ҳам имконият яратилган.

Шу кунги мажлисда рақамли технологиялар вазири Ш. Шерматовга “БМТнинг “Электрон ҳукуматни ривожлантириш индекси”да Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилаш бўйича кўрилаётган чоралар тўғрисида” Қонунчилик палатасининг парламент сўровига юборилган жавоб кўриб чиқилди.

Жавобда келтирилишича, Президентимизнинг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон —2030” стратегияси тўғрисида”ги Фармонида мамлакатимизни минтақавий “IT-хаби”га айлантириш, “Электрон ҳукумат тадқиқоти” ҳисоботида 2030 йилга қадар Электрон ҳукуматни ривожлантириш индекси бўйича давлатлар рўйхатида биринчи 30 таликка киритиш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилган.

Бугунги кунда мазкур вазифалар ижроси доирасида “Рақамли ҳукумат лойиҳа офиси” фаолияти йўлга қўйилиб, рақамли ҳукумат тизимини ривожлантириш юзасидан амалдаги ҳолат бўйича таҳлиллар, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича зарур чоралар кўрилмоқда.

Бу бўйича 2024 йилда эълон қилинган рейтинг натижаларига кўра, Ўзбекистон 193 та давлат орасида 63-ўринни эгаллаб, ўтган ҳисобот даврига нисбатан 6 поғонага, охириги 2 та рейтинг натижаларига кўра эса умумий 24 поғонага қўтарилган. Энг муҳими, Ўзбекистон илк маротаба Электрон ҳукуматни ривожлантириш индексининг баланд гуруҳидан жуда баланд гуруҳига қўшилган.

Берилган жавобга кўра, “Рақамли ҳукумат” дастури доирасида 300 та устувор лойиҳани ишга тушириш белгиланган бўлиб, давлат раҳбарининг тегишли қарори билан уларнинг рўйхати тасдиқланган. Бугунги кун ҳолатига 2023-2024 йилларда давлат бошқаруви ва иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларини ҳамда ҳудудларни рақамлаштириш бўйича жами 258 та лойиҳа бажарилган бўлса, 42 таси давом этмоқда.

Жорий йил бошидан буён Ягона интерактив давлат хизматлари порталида 51 та янги электрон хизматлар жорий этилиб, уларнинг умумий сони 751 тага етди, фойдаланувчилар эса 11 млн. нафардан ошди. Қолаверса, ягона порталнинг мобил ўловасида 100 дан ортиқ янги электрон хизматлар жорий қилинган ҳолда, уларнинг умумий сони 565 тага етказилган.

Йиғилишда иккала вазирнинг ҳам жавоби маълумот учун қабул қилинди.

Кечаги мажлисни кузатган ҳар қандай инсонда парламент олдида ҳисобдорлик қандай бўлиши ҳақида муайян тасаввур уйғониши табиий. Чунки Давлат бюджети муҳокамасига келган вазирлик ва идора раҳбарлари депутатлардан йўлланган саволларга жавоб бериш учун тайёрлиги ҳукумат аъзоларининг парламент олдидаги масъулиятини кўрсатади. Тўғри, эришилган катта натижалар қаторида камчилликлар ҳам кўзга ташланиб қолади. Лекин бир нарсани унутмайлик, ютуқлар бор жойда камчилик ҳам бўлади, фақат бу камчиликларни очик тан олиш ва уларнинг ҳаётий ечимларини топиш ҳар қачонгидан долзарбдир.

Аҳмад ҚУРБОНОВ тайёрлади.



СУХБАТ

САМАРҚАНДЛИК ФАОЛЛАРИМИЗ НИМАЛАР БИЛАН БАНД?



БИЗ САЙЛОВОЛДИ
ЧИҚИШЛАРИМИЗДА
САЙЛОВЧИЛАРГА
КЎП ВАЪДАЛАРНИ
БЕРГАНМИЗ. БУНИ
БАЖАРИШ УЧУН ТИНМАЙ
ҲАРАКАТ ҚИЛИШИМИЗ,
САЙЛОВЧИЛАР ОЛДИДА
ЮЗИМИЗ ЁРУФ БЎЛИШИ
УЧУН ФАОЛИЯТИМИЗ
САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШИМИЗ КЕРАК.
ИЗЛАГАН ИМКОН
ТОПАДИ.

Ўтказилаётган айрим тадбирларимиз қайсидир маънода юзаки, ҳисобот учундек, гўё. Сир эмас, аксарият туман (шаҳар) кенгашлари, депутатлар жойларда номигагина тадбирлар ташкил этаётгани, аҳоли ўртасида бундай тадбирларнинг самара бермаётгани бор ҳақиқат.

Кейинги хатолардан бири бу назорат тизими етарли йўлга қўйилмагани билан боғлиқ. Партия кенгаши, депутатларимиз томонидан қўллаб ишлар амалга оширилмоқда. Сессияларга масалалар киритилмоқда, таклифлар берилмоқда, ташаббуслар билан чиқилмоқда. Бироқ назорат тизими бўлмаганлиги боис, бундай ташаббусларнинг ҳаётга татбиқ этилиши тўлақонли яқунига етмай қоляпти.

Мазкур ишларни амалга ошириш мақсадида вилоят кенгашининг “Ҳаракатлар дастури” ишлаб чиқилиб, ижрога қаратилди.

Дастурда бошқа партияларниқидан фарқли равишда нурунийлар, агар депутатлар жойлардаги фаолиятини кучайтирса ва аҳоли билан тизимли ишласа, партиянинг таъсирчанлиги ортади. Иккинчидан, агар сайловчилар мурожаатлари тўлиқ ҳал этилса, партияга бўлган ишонч ортган ҳолда, электрат муаммолари ечилади.

Энди саволингизни иккинчи қисмига келадиган бўлсак, биринчидан, агар депутатлар жойлардаги фаолиятини кучайтирса ва аҳоли билан тизимли ишласа, партиянинг таъсирчанлиги ортади. Иккинчидан, агар сайловчилар мурожаатлари тўлиқ ҳал этилса, партияга бўлган ишонч ортган ҳолда, электрат муаммолари ечилади.

Энг асосий вазифаларимиздан бири партия гоёлари тарғиботини таъсирчан усулларда олиб боришдир. Ҳозир жойларда Ҳаракат дастури ижросига жиддий киришилган. Агар ҳар бир депутат, партия фаоли ўз таклифи ва иштироки билан қатнашса, олдимизга қўйган мақсадга, албатта, эришимиз, деб ўйлайман.

–Ютуқлар ҳақида гапирдик, хато ва камчиликларни санаб ўтдик. Келинг, энди бевосита партиянинг жамиятдаги нуфузини янада ошириш масаласига тўхталсак. Бундан кейин нимани кутсак бўлади? Шунингдек, юқорида сиз санаб ўтган муаммоларни тўлиқ бартараф этишга ваъда бера оласизми?

– Бугун мамлакатимизда одамларга муносиб турмуш шароитини яратиш, ҳаётини ўзгартириш, шаҳар ва қишлоқларда бирдек замонавий қулайликларни барпо этиш, бир сўз билан айтганда, одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашига эришиш бош мақсад қилиб белгиланган.

Биз ана шу мақсадга эришиш учун қатор амалий ишларни режалаштирганмиз. Электрат манфаатлари билан боғлиқ масалаларда назорат-таҳлил ишларини

олиб бориш ҳаракатидамиз. Хусусан, инклюзив таълим, аҳоли, хусусан, хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш, эҳтиёжманд оилаларга яқиндан ёрдам бериш, камбағалликни қисқартириш юзасидан аниқ манзилли чора-тадбирлар режасини тасдиқладик.

Юқорида айтиб ўтганимдек, депутатлик ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқилган амалий Ҳаракат дастурида бандлик, таълим, соғлиқни сақлаш, транспорт, қурилиш, уй-жой, коммунал, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришга оид 271 та масала қамраб олинди.

Худудлардаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш мақсадида жойлардаги ҳудудий раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг ҳисоботлари ва ахборотлари эшитилади. Депутатлар томонидан фуқаробай, хонадонбай аҳоли муаммолари ўрганилади, сайёр қабуллар уюштирилади.

Аҳолини ўйлантираётган йўл таъмирлаш, электр энергияси, сув таъминоти, янги иш ўринларини яратишга оид тизимли ишлар амалга оширилади.

Партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларининг мазмун-моҳиятини кенг оммага етказиш ва тушунтириш, партиянинг жамиятдаги ижобий имижини яратиш мақсадида тарғибот, ташвиқот тадбирлари ташкил этилади.

Айни дамда бу борадаги ишлар жадал олиб борилмоқда. “Депутат маҳаллада”, “Соғлом она – соғлом оила”, “Маҳаллада ижтимоий хизмат”, “Сафимиздаги ёшлар”, “Ижтимоий ҳимоядан – ижтимоий фаоллик сари”, “Тенг ҳуқуқ ва тенг имкониятлар”, “Аёлларга қўмак” “Маҳаллада камбағал оилалар сонини камайитириш” каби лойиҳалар амалга ошириляпти.

Муаммолар бор ва уларни бидранига тўлиқ бартараф этиш осон эмас. Лекин партиянинг жамиятдаги нуфузини янада ошириш учун бор куч-имкониятларимиздан тўлиқ фойдаланган ҳолда қатъий ҳаракат қилишимиз лозим.

Депутатлик биришмалари ва партия ташкилотлари фаолияти маълум мурожаатларни ҳал этиш билан бирга, худудларда партия электорати манфаатларига хизмат қиладиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижро ҳолати ҳақида аниқ хулосани шакллантириши керак, деб ўйлайман.

Шу муносабат билан фаолиятимизнинг барча даражасида депутатлик ва жамоатчилик назоратини кучайтиришни режалаштирганмиз. Бу орқали маҳалла, туман ва шаҳарларнинг ижтимоий ривожланиш ҳолатини тизимли равишда мониторинг қилишни кўзлаппмиз.

Умуман олганда, камчиликлар устида ишлаб, партия ташкилотлари фаолиятини янада кучайтириш, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари нуфузини ошириш бўйича аниқ режаларимиз бор. Имкониятларимиз кўп, ваколатларимиз ҳам етарли. Ишонаманки, барчаси амалий натижаларимизда акс этади. Энг муҳими, халқ эҳтиёжларидан ўзилиб қолмасликка ҳаракат қиламиз.

Гал кўрсаткичларда эмас, аниқланган муаммоларни вақтида бартараф этишда, бунинг учун асосли ва ўткир таклифлар тайёрлашда. Шунинг учун биз энг муҳимларига тўхталишни жоиз топдик.

Шуниси аёнки, белгиланган чоралар вақтида амалга ошса, партиямиз ҳақиқий кучга айланади ва ишонч ортган ҳолда барча муаммолар босқичма-босқич бартараф этилади. Бунинг учун партия ташкилотлари ва депутатлар, фаоллар ва аъзолар бир ёқадан бош қақариб ҳаракат қилиши, бир-бирига елкадош бўлиши керак.

**“Ўзбекистон овози” мухбири
Лазиза ШЕРОВА ёзиб олди.**

Самарқанд – Ер юзининг сайқали, цивилизациянинг қадимги ўчоқларидан бири. Бу вилоят Ўзбекистоннинг бой сайёҳлик салоҳиятига эга ҳудудларидан саналади. Географик жиҳатдан жойлашуви, табиий ва маданий ресурсларга бойлиги, иқтисодий имкониятлари билан ҳам Ўзбекистонда етакчи ўринда туради.

Президентимиз ташаббуси билан бугун вилоятда кенг кўламли ислохотлар олиб борилмоқда. Шаҳар ва қишлоқлар обод қилиниб, бутун жаҳондан келадиған меҳмон ва сайёҳларнинг ҳавасини тортмоқда. Хуллас, бугун Самарқанд ҳаётига назар ташласак, жойларда ҳаёт қайнаётгани, янгиланиш ва ўзгаришлар ортаётганига амин бўласиз.

Ана шундай муҳим паллада вилоятдаги партиямиз маҳаллий кенгашлари нималар билан машғуллигига қизиқдик. Шу мақсадда ЎЗХДП Самарқанд вилояти кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎЗХДП депутати Бадриддин НАСРИЕВни суҳбатга чорладик.

–Маҳаллий Кенгашларда ХДП катта куч ва салоҳиятга эга. Сиз етакчилик қилаётган партия ташкилоти ана шу имкониятдан қай даражада фойдаланмоқда? Кўзга кўринарли ташаббуслар ҳақида нима дейиш мумкин?

– Бугун вилоятда партиямиз аъзолари сони 92 минг нафардан орти. Бошланғич партия ташкилотлари 852 тани ташкил этмоқда. Вилоятда бўлаётган бугунги бунёдкорлик ишларида уларнинг ҳам ҳиссаси борлиги барчамизни қувонтиради, албатта.

Халқ демократик партиясидан 2024 йилда бўлиб ўтган сайловда маҳаллий Кенгашларга 95 нафар депутат сайланди. Уларнинг 10 нафари вилоят кенгаши депутати бўлса, 85 нафари туман (шаҳар) кенгашлари вакилларидир. Бугунги кунда депутатларимиз ўз ваколатларидан самарали фойдаланиб, аҳолининг муҳим муаммоларини ҳал этишда фаол иштирок этмоқда.

Масалан, партиямиз ташкилотлари ва депутатларимиз томонидан жорий йилнинг биринчи чорагида ЎЗХДП Сайловолди дастурида илгари сурилган гоё ва ташаббусларни амалга оширишга жиддий эътибор берилди. Сайловчилар билан мулоқотни кўпайтириш, жойларда фуқароларни ўйлантириб келаётган тизимли муаммоларни таҳлил қилиш, ижро органлари фаолияти устидан депутатлик назоратини ўрнатиш бўйича муайян ишлар амалга оширилди.

Депутатларимиз томонидан сайловчилар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, аҳоли мурожаатлари ҳамда жойлардаги учрашувларда кўтарилган масалалар, сайлов округларидаги ўрганишларда аниқланган муаммоларни ҳал этиш бўйича мансабдор шахсларга жами 187 та депутатлик сўрови юборилди. Уларнинг 157 таси бўйича ижобий натижага эришилди. Қолганлари назоратимизда турибди.

Депутатларимизнинг округларидаги фаолияти давомида 647 маротаба учрашувлар ўтказилиб, 4 мингга яқин фуқаро билан тўғридан-тўғри мулоқот ташкил этилди. 3 минг 394 та мурожаат ва муаммоларга аниқлик киритилиб, қонуний ечими кўрилди.

“Депутат маҳаллада” лойиҳаси асосида 833 маротаба сайёр қабул ва учрашувлар ўтказилди. Сайёр қабулларда фуқаролар томонидан 5 мингдан ортиқ масалалар

кўтарилди. Аниқланган муаммоларни тезкорлик билан бартараф этиш мақсадида 251 та депутатлик сўрови юборилди. Мансабдор шахсларнинг 38 марта ҳисоботлари эшитилди.

Муҳими, бу орқали одамларни қийнаб келаётган қанчадан-қанча масалалар ечим топадиган бўлди. Албатта, мурожаатларнинг кейинги “тақдири” билан қизиқиш ҳам муҳим ва асосий жараён саналади. Бунда эса биз, депутатлар фаоллик ва зийракликни бой бермай, назорат ўрнатишимиз зарур, деб ўйлайман.

Партиямиз ташкилотлари ва депутатларнинг амалий ишлари ҳақида узоқ гапириш мумкин. Энг муҳими, ижтимоий адолат ва аҳоли манфаатларини ҳимоя қилишда фаоллик кўрсатяппмиз. Биз аҳоли билан мулоқотни кучайтириш орқали маҳаллий муаммоларни ҳал этишга эътибор қаратяппиз. Албатта, бу йўлда тўхтаб қолиш керак эмас, ҳар доим ўзгаришлар, янгиланишлар томон юриш зарур.

Агар ҳақиқий ўзгаришларга эришмоқчи бўлсак, сиёсий фаолиятни аниқ натижалар билан боғлашимиз ва партиявий ечимларни амалий ҳаракатлар билан мустаҳкамлашимиз шарт.

–Шахсан ўзингиз вилоят партия кенгаши ишидан тўла қониқасизми? Партия кенгаши йўл қўйган хатолар сизнингча, нималардан иборат? Камчиликлар қандай ва қайси пайтда ижобий тенденция томон силжийди?

– Аввало, айтмоқчиманки, партиямизнинг халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги ўрни ва салоҳияти бор. Бунинг асосий сабаби, маҳаллий Кенгашларга аксарият салоҳиятли ва фаол шахсларнинг депутат этиб сайланганидир.

Эътиборга молик ишлар кўп, албатта. Аммо бу соҳада барча ишлар рисоладагидек, дегани эмас. Айрим масалаларда камчиликларимиз ҳам бор. Юқорида таъкидлаб ўтдим, бугун вилоятда партиямизнинг 95 нафар депутати фаолият юритмоқда. Уларнинг ҳаммаси ҳам бирдек фаол ва ташаббускор, дейиш нотўғри.

Бугун худудларда ўзгаришлар катта, ислохотлар кўлами кенг. Депутатлар ҳам шунга яраша фаол бўлиши, ўзгаришларга тайёр туриши керак, деб ўйлаймиз. Бу кўпнинг вакили учун муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Айтайлик, партиянинг амалий Ҳаракат дастурида партия гуруҳларига юклатилган вазифаларга эътиборсиз қараб келаётган партия гуруҳлари ҳам бор. Партиямиз депутатлари Дастур ижросига жиддий киришса, жойларда одамларимизнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган муаммоларни изчил ўрганса, камчиликларни очик-ойдин таҳлил этса, кўп муаммолар ечилида, эҳтиёжманд аҳоли вакилларининг оғири енгил бўлади, деб ўйлаймиз.

Аксарият ҳолларда партия гуруҳлари масалани муҳокамаларга олиб чиқиш билан чекланиб, қабул қилинган қарорлар ижроси назоратсиз қолиш ҳолатлари кузатиляпти. Ваҳоланки, энг муҳими, эришиладиган натижадир. Ўз ишига виждонан ёндашадиган депутат эртага сайловчилар ҳузурига нима деб бориши ҳақида ҳам ўйлаб кўради.

Биз сайловолди чиқишларимизда сайловчиларга кўп ваъдаларни берганмиз. Бунни бажариш учун тинмай ҳаракат қилишимиз, сайловчилар олдида юзимиз ёруғ бўлиши учун фаолиятимиз самарадорлигини оширишимиз керак. Излаган имкон топади. Демак, янги имкониятларни ишга солишимиз, фаолиятимизни танқидий таҳлил қилиб, ривожланиш йўлларини топишимиз зарур.

Партиямиз аъзолари сонини кўпайтириш бўйича олиб бораётган ишларимиз ҳам ҳали етарли эмас. Шундан келиб чиқиб, обрў-эътиборга эга, халқ орасида ҳурмат қозонган фаолларни кўпроқ жалб этиш чораларини кўряппмиз.

Яна бир масала. Жойларда

ИНСОН ЎЗИНГ...

Чорраҳа. Тўрт йўлнинг бири Ирода аталса, унинг қаршисида Қўрқув, яна бир йўл Умид бўлса, унинг зидди Таслимият. Чорраҳада турган ёлғиз аёл ҳали ўттизга ҳам кирмаган. Аммо аллақачон сочиға қиров қўнган, кўзларидан нур қочган, рангпар чехрасида маҳзунлик қотиб қолган. Қайси йўлни танлашни билмайди. Ягона ўй-хаёли кун сайин сўниб бораётган фарзандида. Унинг учун осмон қанчалар узоқ бўлса, ер ҳам шунчалар қаттиқ.

Дунё ташвишини нозик елкасида кўтара оладиган матонати бор бу аёлнинг. Керак бўлса, жисм-у жонини минг бўлақларга бўлишсин, чидайди. Аммо тўққиз ой юраги остида асраб, ёруғ оламга келтирган дилбанди оғриқдан “оҳ” тортса, бу елкалар устига улкан тоғ қулагандай бўлади. Бутун борлиғи парчаланиб кетади. Бошини қай деворга уришни билмайди. Неча ойдирки, аҳволи шу.

ЧОРРАҲАДАГИ ЁЛҒИЗ АЁЛ

Ўғлига “суяк саратони” ташхиси қўйилгач, аввалига бу касаллиқнинг нақадар оғир эканини, жуда кам ҳолларда бемор тирик қолиши мумкинлигини тасаввур қилмаган эди. Лекин вилоятнинг энг олди онколог врач бошини сарак-сарак қилганча, “Болангизни пойтахтга олиб бориш керак. Буёғи энди Худодан...” деб айбдордай нигоҳларини олиб қочганидан кейингина юрагида ҳақиқий ваҳми туйди. Шу-шу, бир оёғи пойтахтда. Эри – боланинг отаси токи аниқ ташхис қўйилгунча, улар билан бирга эди. Бирок боланинг соғайиши ва яшаб кетиши сўроқ остида эканини билгач, бутунлай ўзгарди. “Болани сен касал қилгансан... Сен касал бола туғдинг...” дея кун-кунора жанжал чиқарадиган бўлди. Ахийри аёлни икки боласи билан отасининг уйига хайдади. “Феъл-авторимиз тўғри келмади” важи билан қонуний ажрашишга ариза берди-ю қорасини кўрсатмай кетди. Кимдир унинг бошқа жувонга уйланиб олганини айтса, яна кимдир Россияга ишлашга кетганини гапирди. Зотан, аёл учун энди бунинг аҳамияти йўқ эди. Беш ёшли қизини ота-онасининг қўлига омонат топшириб, топган-тутганини йиғиб, ўғлини пойтахтга олиб келди. Биргина тилаги – эндигина саккиз ёшни қаршилаган тўнғичи – умид чирогининг тезроқ дарди ариса. Унинг муштдек жонини қийнаётган оғриқларни қамайтириш учун қиммат дориларга пул топа олса...

Кетма-кет уч марта “химия”дан кейин бола буткул ҳолдан тоиди, унинг бир бурдагина бўлиб қолган танаси қараовтдан кўзгалмас, тунларни кунларга бедор улаётган аёл ҳам ич-ичидан тўкилиб бормоқда.

Қариндошлар... Ҳамманинг ўз оиласи, ташвиши бўлак. Аёлнинг қўлида эса касб-кори йўқ, бирор жойда ишлай деса, касал болага қарайдиган йўқ. Хуллас, ўтаётган ҳар бир кун у учун синов, нихоси йўқ машаққатнинг ўзи.

-Афсуски, жамиятимизда бу синглизмиз каби фарзанди бедаво дардга йўлиққан ва айнан шу сабаб билан эридан ажрашган, яъни, болаларининг отаси ташлаб кетган, оқибатда мураккаб ҳаёт йўлида ёлғиз ўзи курашаётган аёллар сони бармоқ билан санарли эмас, - дейди болалар шифокори ва публицист Муаззам ИБРОҲИМОВА. – Саратонга чалинган болалар учун турли амалий ва хайрия ишларини олиб бориш чоғида бундай оналар билан деярли ҳар сафар рўбарў келаман, десам, ишонасизми? Мени ҳам таажжублантириб, ҳам таассуфлантирадиган бир ҳолат бор. Яъни, кўпинча бундай касалликка чалинган фарзандини даволатиш умидида юрган оналар

билан суҳбатлашсангиз, улар нафақат эри, балки ўша эрнинг бутун уруғ-аймоғи (қайнота, қайнона, қайноға ва ҳоказо) юз ўгириб кетишганини айтишади. Мана, масалан, шу бугун бир аёл билан гаплашдим. “Опа, пулим қолмагач, қайнотамнинг уйига бордим”, деб ўша аёл йиғлаб сўзлаб беряпти. “Ўғлингиз биздан хабар олмай қўйган, ҳеч бўлмаса, сизлар ёрдам беринг... Дорига пул тополмаяпман. Эшигингиз олдида ўнта мол бор, шунинг биттагинасини сотиб беринг. Ахир, бу бола сизларнинг набирангиз-ку”, деб қайнотамга айтсам, у киши нима деди, биласизми? “Ие, келин, ўнта молим бўлгани билан, яқинда қайнукангизни уйлантираман, тўй қилиш осонми?! Мана, интернетда ёзишади-ку, болам касал, ўзим касал, пулдан ёрдам қилинглар, деб. Сиз ҳам ёзинг, одамлар пул йиғиб беришар,” деб уйдан чиқариб юборди”, дейди шўрлик аёл...

онкологик ва онкогематологик касалликларнинг сўнгги – умидсиз босқичидаги бемор болалар ётади. Ун етти нафар қорақўз... Омонхон беш ёшда. Миясидаги ўсимта бошини футбол коптогидек шишириб юборган. ...Ўйин бурчагида бир челақ “Лего”ни ағдариб, катта бўлолса, қурмоқчи бўлган уйини қуриб кўрсатган яна бир боланинг ҳам саратондан оғирроқ дарди бор эди. -Нега тўртта эшиги, ўнта деразаси бор уй қурдинг, болам? У чуқур хўрсинди. -Дадам хоҳлаган эшикдан кириши учун. Биттасини тополмаса, иккинчиси, учинчиси, тўртинчисидан киради-ку! Тўғрими? Жаа бўлмаса, шу-у-нча дераза бор...”

Умрининг охирги лаҳзаларини яшаётган, зўрға уриб турган мурғак юраги отасининг соғинчи билан тўлган, бир марта бўлса ҳам уни кўргани келишини кутаётган бундай болалар сони жамиятимизда қанча экан... Аниқки, оз эмас!

Бани башар ақлбоқар қилмас кашфиётлар билан тамаддуннинг энг юқори чўққисига интилаётган асримизда ҳар йили Ер юзи бўйлаб ўн миллионга яқин инсон саратон хасталигидан кўз юммоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти 2050 йилга бориб саратонга чалинганлар сони 35 миллиондан ошиб кетишини прогноз қилаётир. Аянчлиси, бу касаллик тобора “ёшаряпти”. Шифокорларнинг фикрича, аввал 30-35 ёшли инсонларда кузатилган саратон турлари ҳозирги кунга келиб ёш болаларда учрамоқда. Мутахассислар мазкур вазиятга оғир аҳволда қолаётган экологияни, ҳавонинг, сувнинг ифлосланиши, қишлоқ хўжалиги

маҳсулотлари етиштиришда кимёвий пестицидлардан ортиқча, ноўрин фойдаланиш, тез тайёр бўлувчи овқат (фаст-фуд) лар ва ранг берувчи воситалар сони ошиб бораётганини сабаб қилиб кўрсатишмоқда.

Яна халқроқ статистикага юзланамиз. Дунёда ҳар йили туғилишдан то 19 ёшгача бўлган 400 минг нафарга яқин болалар ва ўспиринларда саратон касаллиги аниқланади. Тиббиёти ривожланган, ижтимоий хизматлар кенг қамровда йўлга қўйилган юқори даромадли мамлакатларда саратон касаллигига чалинган болаларнинг 80 фоиздан ортиғи ушбу хасталиқдан даво топар экан. Лекин аксарият кам ва ўрта даромадли мамлакатларда яшаш даражасининг пастлиги, етарли тиббий анжомларнинг йўқлиги, малакали шифокорлар етишмаслиги, аниқ ташхис қўйишининг кечикиши, саратоннинг ривожланган босқичига чиқиши, моддий қийинчилик сабаб даволанишни тўхтатиш каби омиллар натижасида саратонга чалинган болаларнинг 65-85 фоизи вафот этмоқда. Бу

Муаззам Иброҳимованинг ижтимоий тармоқдаги саҳифасида “Дадаси “ўлган” болалар” сарлавҳаси билан жойлаган постидан мана бу сатрларни ўқинг: “Сен кучлисан” жамоаси аъзолари яна Зангиотадаги хосписда бўлдик. У ерда

“

ОТАЛИК – КЎНГИЛ ВА ЖАСОРАТ ИШИ. БУГУН СИЗДАН УЗОҚЛАРДА, КАСАЛХОНАНИНГ ШИФТИГА ТЕРМИЛИБ, СИЗНИ КУТАЁТГАН ПУШТИ КАМАРИНГИЗ УЧУН ҲАМ, ҲАЁТ ТАШВИШЛАРИДА ЁЛҒИЗ БОШИ БИЛАН ПАЖМУРДА БЎЛИБ ҚОЛГАН АЁЛИНГИЗ УЧУН ҲАМ КЕРАКСИЗ!

хавотирли рақам!

Дунёнинг бир бўлаги бўлган юртимизда ҳам саратон “ёшараётгани” аччиқ ҳақиқат. Бундай шароитда бедаво дардга йўлиққан фарзандини ёлғиз онанинг қўлига топшириб, ўз оталик бурчини ҳар ой тўлайдиган ва кўпинча чойчақа қийматидаги алимент билан “адо этаётган” оталарнинг борлиги жамият учун доғ. Инсонийлик мезонлари билан қараганда ҳам буни ҳеч бир сабаб билан оқлаб бўлмайди.

Хўш, қонунчилигимизда бундай ҳолатларда бола манфаатларини ҳимоя қилиш нуктаи назаридан қандай механизмлар кўзда тутилган?

- Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 96-моддасига кўра, ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериши шарт, – дейди ҳуқуқшунос Абдужаббор АЧИЛОВ.

— Сиз сўраётган ҳолатда, яъни, бола саратон касаллигига чалинган бўлса, уни даволатиш, умуман, фарзанднинг барча эҳтиёжлари учун ота ҳам, она ҳам баравар мажбуриятга эга. Бинобарин, Оила кодексининг 103-моддасида ота-она фавқулодда ҳолатлар (боланинг оғир шикастланиши, касал бўлиши ва бошқалар) туфайли келиб чиққан, боланинг таъминоти учун зарур бўлган қўшимча харажатларда тенг иштирок этишга мажбур. Бундан бош тортган ота (ёки она)дан суд уларнинг оилавий ва моддий аҳволини ҳисобга олиб, қўшимча харажатларни қисман пул билан тўланадиган қатъий суммада ундириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқариши мумкин.

Тўғри, оилада фарзанд оғир касал бўлса ёки ногиронлик билан туғилса, кўп ҳолларда бола она билан қолади. Она қарибир она, юрагининг бир парчаси бўлган фарзандидан воз кечиши жуда қийин масала, лекин, афсуски, баъзи оталар ҳақида бундай дея олмаймиз. Шунинг учун ҳам хаста фарзанди билан ёлғиз қолиб кетаётган ва барча мажбуриятларни ўз зиммасига олган оналар бор. Қонунчилигимизда эса бундай вазиятлар назардан четда қолмаган. Яъни, ота ҳам хасталанган фарзандининг эҳтиёжлари учун она билан баравар масъулият ҳис қилиши керак. Акс ҳолда қонуний жавобгарликка тортилади. Мазкур механизмнинг амалда ишлаши учун эса жамиятимизда ҳуқуқий маданиятни ошириш, жуда катта ваколатларга эга маҳалла институти, шунингдек, жамоатчилик назорати ҳам жонланиши керак, албатта. Яна бир жиҳат.

Мамлакатимизда ёлғиз оналар (2024 йил ва 2025 йининг илк чорагида юртимиз ФХДё органларида 7 минг 843 нафар ёлғиз оналар қайд этилган) учун кўплаб имтиёзлар, қонуний устунликлар берилган. Бошқача айтганда, давлат томонидан улар ўз ҳолига ташлаб қўйилмаган. Бирок, бизнингча, айнан оғир бемор фарзанди билан ёлғиз қолаётган оналар учун моддий, маънавий ва психологик кўмак беришнинг ҳаётий ҳамда замонавий ечимларини кенгайтириш вақти келди.

Хулоса ўрнида бу муаммони нега кўтариб чиққанимиз ҳақида икки оғиз сўз.

Идеал жамиятдаги ижтимоий адолат аслида оилалардан бошланади. Қолаверса, саратондек беаёв дард билан курашаётган бола учун она каби отанинг ҳам ўрни муҳим. Бу хасталикка қарши курашишда ва росмана энгишда оталарнинг мадади, қўллаб-қувватлаши сув ва ҳаво каби керак. Табиатан нозик қилиб яралган аёл – она ёлғизлик юки билан хаста фарзандини оёққа қўя олиши – бу жуда қийин, жуда аламли.

Шу йилнинг 19 май куни Президент Шавкат Мирзиёев “2025-2030 йилларда болалар саратонига қарши курашиш миллий стратегиясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорни имзолади. Унга кўра, 2030 йилга қадар болалар саратонини эрта босқичларда аниқлаш ҳолатлари улушини 65 фоизгача ошириш;

онкологик ва онкогематологик касалликларга чалинган болаларнинг 1 йиллик яшовчанлигини 34 фоиздан 90 фоизгача, 5 йиллик яшовчанлигини эса камида 60 фоизгача кўтариш;

саратон касаллигига чалинган болаларни 100 фоиз ихтисослаштирилган тиббий ёрдам билан қамраб олиш устувор мақсад қилиб қўйилди.

Етакчи Европа университетлари клиникалари кўмагида давлат муассасаси шаклида Болалар саратони бўйича халқаро академик ҳаб ташкил этилиши бундан-да қувонарли.

Лекин яна ўша гап – оиладаги маънавий-руҳий мувозанат, ота-онанинг бирдек ғамхўрлиги боланинг касалликка қарши, ҳатто у саратоннинг тўртинчи босқичи бўлса ҳам, қобилиятини ошириши илмий тасдиқланган. Аксинча, оиладаги “ур-сур”, эр-хотин, қайнона-келин можароси ва ҳоказо маиший муаммолар туфайли пайдо бўладиган стресс, кўрқув, депрессия инсон организмидаги, айниқса, эндигина физиологик шаклланаётган бола вужудида саратон ҳужайраларини “уйғотиб” юбориши ҳам маълум.

Оталик – кўнгил ва жасорат иши. Бугун сиздан узоқларда, касалхонанинг шифтига термилиб, сизни кутаётган пушти камарингиз учун ҳам, ҳаёт ташвишларида ёлғиз боши билан пажмурда бўлиб қолган аёлингиз учун ҳам кераксиз!

Фарида МАҲКАМОВА, “Ўзбекистон овози” муҳбири.



ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ



“ОРЗУЛАР ДУНЁСИ”

ҲАЁТГА ИШОНЧИ БАЛАНД, УМИДИ ЮКСАК ЁШЛАРНИ БИРЛАШТИРДИ

Гулсезим Холмухаммедованинг ижодий салоҳияти, бадий диди нихоятда юксак. Унинг ижодини, чизган расмларини кузатсангиз, теран фикр, энг гўзал туйғулар тараннуми борлигига амин бўласиз. У ўз ижоди билан одамларни эзгуликка чорлайди, яхшиликка ундайди, чиройли ҳисларни инъом этади.

ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши ташаббуси билан Қибрай туманида ўтказилган “Орзулар дунёси” ижодий акциясида унинг қаламидан тўкилган “Табиат манзараси” расми барчани ҳайратлантирди. У она табиатнинг ҳақиқий манзарасини эстетик идрок этгани билан иштирокчиларда қизиқиш уйғотди. Қалбларда табиатни севиш ва ардоқлаш ҳиссини мустаҳкамлади.

Ногиронлиги бўлса ҳам, тақдир синовларига энгилмаган, қўл меҳнати билан ҳайратланарли санъат асарлари яратиб, ижод ва меҳнат билан ишловчи Гулсезимга ўхшаган ёшлар ҳақиқий жасорат ва матонат соҳибларидир. Улар инсон имкониятларининг чегараси йўқлигини ҳаммамизнинг кўз олдимизда яққол исботлаб турибди. Бу фақат ирода белгиси эмас, юксак маънавият, қучли руҳ ифодаси. Шунинг учун ҳам уларнинг ижод намунасига қараб тўймайсиз, жонли туйғулар билан йўғрилган санъат асарларидан ҳузур қиласиз.

Тошкент вилоятида яшовчи бир гуруҳ ана шундай ёшлар “Орзулар дунёси” ижодий акцияси доирасида ўз ижод намуналари билан иштирокчиларни лол қолдиришди. Орзу-умидлари бир олам, ҳаётга ишончи ва умиди баланд ногиронлиги бор йигит-қизлар ясаган буюмлар кўргазма пештахтасини беади.

Акмал УМАРАЛИЕВ, ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи аъзоси:

– Ногиронлиги бўлса ҳам, қўл меҳнати билан ижод намунасини яратаётган, ҳаётни ёрқин рангларда кўраётган бу ёшларнинг иродасига ҳавас қилса арзийди. Улар ўз тенгдошларига ўрناк бўлади. Расмлар кўргазмасига назар ташласангиз, юрак-юракдан бошқача илиқликни туясиз. Ҳар бир тасвир ҳақиқий ижодкорлик намунаси эканлигига амин бўласиз.

Ногиронлиги бор ёшларнинг ижодий салоҳиятини юзага чиқариш, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаол иштирокини таъминлаш мақсадида ушбу акцияни ташкил қилдик.

Тадбир иштирокчиларининг юзларидаги табассум, кўзларидаги ишонч ва шижоат ташкилотчиларни қувонтирди. Уларнинг яратувчанлиги, ижод намуналарига бетақдор ёндашуви ва ўз истеъдодини жамиятга кўрсатиш истаги – акциянинг асосий мақсади билан уйғун ҳолда намоён бўлди.

Бу каби тадбирлар ёш авлоднинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш ҳамда тенг ҳуқуқли ҳаётга бўлган ишончларини кучайтиришда

муҳим аҳамият касб этади, деб ўйлайман.

Малоҳат ЭРГАШЕВА, ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши бўлим бошлиғи:

– Ногиронлиги бор кишилар орасида истеъдодлилари жуда кўп. Уларни қўллаб-қувватласак, ишлаши, истеъдодини рўёбга чиқариши учун шароит яратилса, юзлаб, минглаб иқтидор эгалари кашф этилади.

Шу кун ижодий акцияда 50 нафардан ортиқ ногиронлиги бор ёшларимиз ижод маҳсули билан иштирок этди. Уларнинг орзулар дунёсига қадам қўйсангиз, аввало, самимиятга гувоҳ бўласиз. Ҳар бир асар беғубор туйғулар ҳақида ҳикоя қилади.

Акция доирасида ногиронлиги бўлган аёл ва ёшлар томонидан яратилган маҳсулотлар кўргазмаси, шунингдек, турли номинациялар бўйича тақдирлаш маросими ташкил этилди. Шунингдек, ярмарка ва хайрия аукционини ҳам ўтказилди. Булардан тушган маблағлар ёш ижодкорларнинг кейинги фаолиятини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш чора-тадбирларига йўналтирилади.

*** Истеъдод, ҳайрат ва олқишлар... ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган акцияда ана шу руҳ ҳукмрон бўлди. Йигилганлар 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган ногиронлиги бор ёшларнинг ижод намуналаридан баҳраманд бўлишди. У шунчаки тадбир эмас, дўстлик, санъат ва имкониятлар байрами, десак адашмаймиз.

Раҳимберган ЮСУПОВ, ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши раиси:

– Тадбирда ёшларимиз томонидан тайёрланган қўл меҳнати намуналарини кўриб, фарзандларимиз нақадар истеъдодли эканликларига амин бўлдим. Ҳар бир асар илғор инсонпарварлик ғоялари, эзгу интилиш ҳисси, гўзаллик тўғрисидаги тасаввурни ифодалашга ҳам хизмат қилади.

Уларни кўриб, дил яйрайди.

Ижодий акцияда орзулари бир олам, синовлардан чўчимайдиган, қийинчиликларни сабр ва бардош, интилиш билан энгишга тайёр турадиган йигит-қизлар бирлашди. Уларнинг умидлари, келажак мақсадлари улкан. Шу боисдан ҳам бу йигит-қизларимиз турли ютуқларга эришиб келмоқда. Ёшларимизнинг ҳаёти, интилиш-у иштиёқи ҳар биримизга сабоқ бўлгулик, албатта.

Жамиятимизда бизнинг эътибор ва кўмагимизга муҳтож инсонлар борлиги, уларга ғамхўрлик ва ёрдам кўрсатиш, доимо қўллаб-қувватлаш кераклигини унутмаслигимиз зарур.

Дилфуза САПАЕВА, иштирокчи Жаҳонгир Рамазановнинг онаси:

– Ўғлим кичик ёшдан расм чизиш, кулолчилик ва шахматга қизиққан. Унинг бу қизиқишларини кўриб, қўллаб-қувватладик. Ногиронлиги бўлса ҳам, тақдир синовларига энгилмади, иродаси мустаҳкам, иштиёқи баланд. Мақсадлари ҳам кўп. Катта орзулар улуғвор ишларга ундайди.

Олимпиадаларда иштирок этди, изланишдан чарчамайди. Қўзаларга расм чизади. Унинг ижод намуналари ҳаттоки чет эллик сайёҳларда ҳам катта қизиқиш уйғотган. Атрофдагиларнинг ҳайрат ва ҳавасидан янада илҳомланади.

Бугунги тадбир ҳам фарзандимизни қўллаб-қувватлаш, руҳлантириш учун туртки бўлди. Болам жуда хурсанд, кайфияти аъло. “Энди кўп-кўп ижод қиламан”, дейди руҳланиб. Тадбирда кўп дўстлар орттирди, маънавий хордик чиқарди. Биз, ота-оналар ҳам бундан жуда мамнунмиз.

Иштирокчилар ўз ижодий ишларини расмлар, графика, ҳайкалтарошлик, санъат инсталляциялари йўналишларида тақдим этишди. Ҳар бир иштирокчининг истеъдоди эътироф этилиб, асарлари ҳакамлар ҳайвати томонидан баҳоланди.

Ғолиб ва иштирокчилар ЎзХДП Хоразм вилоят кенгашининг диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

*** Андижонда ҳам ногиронлиги бор ёшлар орасида истеъдодлилари кўпчиликини ташкил қилар

экан. Шулардан бири Моҳидил Ботирова. У “Мурувват уйи” тарбияланувчиси. Оёқда расм чизади. Чизганда ҳам шунчалар моҳирлик ва нозиклик билан чизадики, кўриб, ҳайрон қоласиз. Унинг расмлари она Ватанга, табиатга бўлган муҳаббат билан сўғорилган. У қизиқиши ва орзуларини биз билан ўртоқлашди.

– Ёшлигимдан тепаликлар, гуллар, қушлар расмини чизишни яхши кўрардим. Лекин тақдир тақозоси билан қўлларим йўқ эди. Юрагимда расм чизишга бўлган қизиқиш шунчалар қучли эдики, бунда оёқларимнинг ҳаракатидан фойдалана бошладим. Атрофга қарасак, ҳар кун кўриш мумкин бўлган ҳамма нарсани чиздим.

Бошида атрофимдагиларга кўрсатишга тортиндим. Аммо улар расмларимни кўриб, ёққанини айтишди. Бу кўп ва чиройли расмлар чизишим учун илҳом берди. Шундан кейин ўз устимда ишлашда давом этдим. Орзуларим жуда кўп. Ўз расмларимнинг кўргазмасини ташкил қилиш ниятидаман, – дейди у.

Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгаши ташаббуси билан вилоят Бадий академияси майдонида ногиронлиги бўлган ёшларнинг истеъдод ва қобилиятларини рағбатлантириш мақсадида ўтказилган тадбирда Моҳидилга ўхшаган кўплаб қобилият эгалари кашф этилди.

Акцияда 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган ногиронлиги бор ёшлар иштирок этишди. Унда ҳар бир иштирокчининг истеъдоди эътироф этилди. Энг фаол иштирокчилар фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Тадбир меҳмонлари турли буюмларни харид қилиш орқали акцияда иштирок этган ёшларга ўз эътиборларини изҳор этди.

*** Ижодий акцияда иштирок этган барча ёшлар ўзига хос қобилиятга эга. Уларнинг орзулари матонати, сабри каби гўзал. Бундай истеъдод эгаларининг ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш, асарларини кенг оммага етказиш ва имкониятлар яратиш ҳар биримизнинг вазифамиздир. Юксак жасорат соҳибларига ёрдам бериш аслида жамиятимиз маънавий дунёсининг кўзгусидир.

Лазиза ШЕРОВА, “Ўзбекистон овози” мухбири.

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА

“ДЕПУТАТ МАҲАЛЛАДА” ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА МУАММОЛАР ЎРГАНИЛДИ



Ўзбекистон Халқ демократик партияси Жарқўрғон туман кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Ч. Юсупов ҳамда депутат А. Тошпўлатовлар томонидан “Депутат маҳаллада” лойиҳаси доирасида “Истиқлол” маҳалласида ўрганиш ишлари олиб борилди.

Учрашув давомида “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури ижроси доирасида “маҳалла еттилиги” томонидан амалга оширилаётган ишлар, мавжуд ҳолат, муаммолар ва таклифлар ўрганилди. “Маҳалла еттилиги” – маҳалла фуқаролар йиғини раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ҳодим ҳамда солиқ инспектори фаолиятининг самарадорлиги уларнинг ўзаро ҳамжиҳатлиқда ва масъулият билан иш олиб борилишига боғлиқлиги алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, фуқаролар томонидан билдирилган мурожаатлар тингланиб, уларнинг ечими бўйича тегишли чоралар кўрилди. Аниқланган масалалар бўйича депутатлик назорати ўрнатилди.

БУХОРОДА “САЛОМАТЛИК АКЦИЯСИ” ЎТКАЗИЛДИ



Аҳолининг соғлигини муҳофаза қилиш, тиббий хизматлар сифатини ошириш ва уларни аҳолига янада яқинлаштириш бугунги куннинг ўстувор йўналишларидан биридир. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Бухоро вилоят кенгаши ташаббуси билан Бухоро шаҳрида кенг қамровли “Саломатлик акцияси” ташкил этилди.

Мазкур акция давомида 5-сон ва 11-сон оилавий поликлиникалар ҳамда кўп тармоқли поликлиника негизида «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»да рўйхатда турган фуқаролар бепул тиббий кўрикдан ўтказилди.

Бу каби амалий тадбирлар аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий-профилактик хизматлар қамровини кенгайтириш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни қўллаб-қувватлашда муҳим ўрин тутди.

ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАР ҲОЛАТИ ДЕПУТАТ НАЗОРАТИДА



Ўзбекистон Халқ демократик партияси ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлаш, уларнинг муаммоларини жойига чиқиб ўрганиш тамойилига содиқ ҳолда иш юритмоқда.

Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати О. Иминов ҳамда партиянинг Андижон вилоят кенгаши бўлим бошлиғи О. Аҳмедов Шаҳрихон туманидаги “Инсон” ижтимоий хизматлар марказида бўлиб, ногиронлиги бор фуқароларга кўрсатилаётган хизматлар ҳолатини ўрганди.

Шунингдек, депутат туман марказидаги шохбекатда жамоат транспортида ногиронлиги бор инсонлар учун яратилган шароитлар, амалий ёрдам кўрсатиш ҳолатини ҳам қўздан кечириб, мавжуд камчиликлар юзасидан тегишли тавсиялар берди.

Мазкур ўрганишлар Халқ демократик партиясининг ижтимоий тенглик, ижтимоий адолат ва инклюзив давлат қуриш тамойилларини ҳаётга татбиқ этишга қаратилган амалий фаолиятининг бир кўриниши бўлди.

**ЎзХДП Марказий Кенгаши
Ахборот хизмати.**





ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

ЁШЛАР ИШОНЧИ – УСТУВОР ЙЎЛИМИЗ

Хабарингиз бор, жорий йилнинг 28-30 май кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти III чақириқ биринчи йиғилиши ҳамда “Ёшларнинг парламентдаги ўрни” мавзусида республика ўқув-семинари бўлиб ўтди.



Ёшлар – жамиятнинг энг катта кучи экани бугун қоғозларда эмас, амалий ислохотларда ўз ифодасини топмоқда.

Ёшлар орзу қилади, интилади, ташаббус кўрсатади. Аммо баъзиларининг орзуси ҳаракатга айланмасдан қолади. Кимдир эса бир имконни топиб, минглаб тенгдошларининг овозига айланиш учун жазм этади. Худди шундай, менинг ҳаётимда ҳам муҳим бурилиш нуқтаси рўй берди – мен Ёшлар парламенти раиси ўринбосари, ЎзХДП ёшлар гуруҳи раҳбари этиб сайландим.

Бу лавозим нафақат юксак ишонч белгиси, балки улкан масъулият ҳамдир. Чунки бу лавозимга ЎзХДП ёшлар гуруҳи мени ишониб танлади, улар мени ўз фикрини, муаммосини, орзусини юқори минбарга олиб чиқадиган вакил сифатида кўрди. Энди менинг вазифам фақат фикр айтиш эмас, балки амалий фаолият билан исботлаш, ташаббус кўрсатиш ва натижага ишлашдир. Демак, энди ҳар бир сўзим, ҳар бир қарорим, ҳар бир қадамим – улар номидан.

Ёшлар парламенти – бу фақат мажлислар, оташин нутқлар эмас. Бу – муаммоларга ечим қидириш, ҳаётий, долзарб ташаббусларни илгари суриш, ҳақиқатда ёшлар ҳаётига таъсир этадиган қарорлар қабул қилиш минбари. Менинг вазифам — бу минбардан фойдаланган ҳолда ёшларнинг овозини эшиттириш, уларни қарорлар марказига олиб чиқиш.

Биламан, бу йўл осон бўлмайди. Унда юриш учун фақат билим эмас, юрак, виждон ва фидойилик ҳам керак.

Шу ўринда, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти самарали ишлаши учун у расмий платформа

бўлиб қолмаслиги, балки муаммоларни тан олиш ва уларни тизимли ҳал этиш орқалигина бу тузилма ёшлар ишончини қозона олишини инутмаслигимиз керак. Ёшлар

ЁШЛАР ОРЗУ ҚИЛАДИ, ИНТИЛАДИ, ТАШАББУС КЎРСАТАДИ. АММО БАЪЗИЛАРИНИНГ ОРЗУСИ ҲАРАКАТГА АЙЛАНМАСДАН ҚОЛАДИ. КИМДИР ЭСА БИР ИМКОННИ ТОПИБ, МИНГЛАБ ТЕНГДОШЛАРИНИНГ ОВОЗИГА АЙЛАНИШ УЧУН ЖАЗМ ЭТАДИ. ХУДДИ ШУНДАЙ, МЕНИНГ ҲАЁТИМДА ҲАМ МУҲИМ БУРИЛИШ НУҚТАСИ РЎЙ БЕРДИ – МЕН ЁШЛАР ПАРЛАМЕНТИ РАИСИ ЎРИНБОСАРИ, ЎЗХДП ЁШЛАР ГУРУҲИ РАҲБАРИ ЭТИБ САЙЛАНДИМ.



парламентининг ташаббуслари парламентдаги етакчи сиёсатчилар томонидан кўриб чиқилиб, баъзилари ҳукумат сиёсатига айлантирилиши ҳам мумкин. Бу Ёшлар парламентининг нафақат “мактаб”, балки “сиёсий лифт” эканини ҳам исботлайди.

Қолаверса, Ёшлар парламенти аъзоларига ҳар йили парламент фаолияти симуляцияси ўтказилиб, реал қонунчилик тажрибаси берилиши лозим. Бу нафақат рамзий, балки амалий жиҳатдан ҳам уларни тенг сиёсий субъектга айлантиради. Янги таркибдаги ёшлар парламентининг вакиллик, таъсирчанлик, очиқлик ва сиёсий боғлиқлик даражаси бўйича намунали тизимга айланади.

Назаримда, Ёшлар парламенти навқирон авлод манфаатларидан келиб чиққан ҳолда куйидаги устувор масалаларда амалий ечимларни амалга ошириши мақсадга мувофиқдир:

Бринчидан, таълим соҳасида ижтимоий тенглик ва замонавийлик асосида қонуний ташаббусларни илгари суриш. Бунда, грантларни ижтимоий мезонлар асосида дифференциаллаш ва қонунийлаштириш;

Иккинчидан, ёшлар ўз хунари, ғояси ёки стартапи билан иқтисодий мустақилликка эришмоғи учун кўмаклашиш, фриланс ва рақамли меҳнатнинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш; Учинчидан, Ёшлар парламенти аъзоларига берилаётган имконият, яъни, реал қонунчилик амалиётига таяниб, стратегик тафаккурга асосланган дипломатия мактабини шакллантиришга муваффақ бўлиш.

Булар орқали миллий парламентимизни чуқур ўрганган ва миллий шароитга мослаштирган интеллектуал элита етишиб чиқади. Дипломатик анъаналар янги авлод учун қайта шакллантирилади.

Шоҳрух ЎКТАМОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП ёшлар гуруҳи раҳбари.

СИЁСИЙ ФАОЛЛИКНИ ОШИРИШ ВОСИТАСИ

Мамлакатимиз сиёсий maidонида партияларнинг роли кундан-кун ортиб, давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этаётган бир даврда тарғибот воситалари орқали аҳоли билан мулоқотни кучайтириш қамрови кенгаймоқда. Сиёсий партиялар томонидан ташкил этилаётган учрашувлар, оммавий тадбирларда фойдаланилаётган тарғибот воситалари нафақат фуқароларни реал ижтимоий-сиёсий жараёндан хабардор қилади, балки уларнинг мамлакат тақдирига дахлдорлик туйғусини, фаоллигини ҳам оширади.



Тарғибот воситалари халқ билан бевосита мулоқот кўприги ҳамдир. Демократик жамиятда сиёсий партиялар халққа яқин бўлиши, уларнинг эҳтиёжлари ва дардларига қўлоқ тутиши лозим. Шу нуқтаи назардан тарғибот воситалари бунда самарали восита бўлиб хизмат қилмоқда. Бугунги кунда флаер, баннер, ахборот буклети, видеоролик, инфографика каби воситалар орқали партиялар ўз дастур ва тактикларини, ғояларини аҳолига етказмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳам бу борада ўзига хос тажрибага эга. Партия томонидан жойларда ўтказилаётган сайловчилар билан учрашувлар, мулоқотлар ва давра суҳбатларида аҳолининг турли қатламларига мўлжалланган тарғибот материаллари тарқатилмоқда. Айниқса, пенсия ёшидаги фуқаролар, ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар ва ёшлар учун мўлжалланган, содда тилда ёзилган ва қулай шаклдаги материаллар аҳоли томонидан катта қизиқиш билан қабул қилинмоқда.

Илғор ахборот технологиялари турмуш тарзимизга кенг кириб келаётган айна паллада Халқ демократик партияси рақамли тарғибот воситаларидан фойдаланишга ҳам алоҳида урғу бераётир. Айнан бунга ёш авлод билан асосий алоқа воситаси сифатида қаралмоқда.

Дарҳақиқат, бугунги кунда замонавий ахборот

технологияларисиз самарали сиёсий ташвиқотни тасаввур қилиш мушкул. Шу боисдан Халқ демократик партияси ўз фаолиятида рақамли ечимларга жиддий эътибор қаратмоқда. Телеграм, Фейсбук, Инстаграм каби ижтимоий тармоқларда партия саҳифалари фаол юритилиб, у ерда инфографика, қисқа роликлар, жонли эфирлар орқали бевосита мулоқот йўлга қўйилган.

Бундан ташқари, QR-коди буклетлар, мобил иловалар ва онлайн мурожаат платформалари орқали фуқаролар партия фаолияти ҳақида кенгроқ маълумот олмақда, саволлар бериш ва таклиф билдириш имкониятига эга бўлмоқда.

Шубҳасиз, сиёсий партияларнинг тарғибот воситаларидан самарали фойдаланиши фуқароларнинг сиёсий онги ва жамият ҳаётига алоқадор масалаларда иштирокини оширишда муҳим роль ўйнайди. Халқ демократик партияси мисолида кўрилаётган ушбу ёндашувлар келгусида бошқа сиёсий партиялар учун ҳам намуна бўлиши мумкин. Янги Ўзбекистонда ҳар бир фуқаронинг сиёсий фаоллигини ошириш нафақат кучли тарғиботни, балки ишонч ва масъулиятни ҳам талаб этади.

Ҳақимбек РАҲМАТОВ, ЎзХДП Марказий Кенгаши шўъба мудир.

МУНОСАБАТ

“ДОЛЗАРБ 90 КУНЛИК” – ЯНГИ ЁНДАШУВ

2025 йил 15 май кuni Президентимиз раҳбарлигида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида кўтарилган масалалар таълим соҳасида яна бир муҳим бурилиш нуқтасига туртки берди. Йиғилишда мактаб таълими тизимидаги ислохотлар, замонавий ёндашувларни жорий этиш, ёшларни ҳар томонлама ривожлантириш, тарбия ва таълимнинг сифатини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Давлат раҳбаримиз томонидан таълимда “Долзарб 90 кунлик” дастури эълон қилинди. Ушбу ташаббус 2025 йил 31 майдан 31 августгача амалга оширилади ва асосий мақсад ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, ижтимоий фаоллигини ошириш, билим ва кўникмаларини ривожлантириш, маданий-маънавий савиясини юксалтиришдан иборатдир.

Мен педагог сифатида бу ташаббусни катта хурсандчилик ва масъулият билан қарши олдим. “Долзарб 90 кунлик” фарзандларимиз тарбиясидаги бўшлиқларни тўлдиришда, уларнинг истеъдодини юзага чиқаришда пойдевор бўлишига ишонаман.

Ушбу 90 кунлик фаол даврда биз, таълим фидойилари ўз маҳалламизда, мактабимизда,

ҳар бир бола тақдирида ижобий ўзгаришлар қилишга қатъий бел боғлаганмиз.

Жумладан, мактабимизда ҳам “Долзарб 90 кунлик” доирасида қатор мазмунли тадбирлар ташкил этилмоқда. Бу тадбирлар нафақат ўқувчилар, балки уларнинг ота-оналари, маҳалла фаоллари ва кенг жамоатчиликни ҳам қамраб олмақда.

Биз бу ташаббусни фақат бир вақтли тадбирлар тўплами деб эмас, балки таълимда самарадорликка олиб келадиغان, ўқувчи, ўқитувчи ва жамоатчиликни бирлаштирувчи кенг қамровли ҳаракат сифатида қабул қилмоқдамиз. Бу, ҳеч шубҳасиз, келажак учун жасоратли қадам!

90 кун аяқунлангач, фарзандларимизнинг дунёқарашида, орзу-интилишларида ҳам янгилик ва ўзгаришларни кўришга умид қиламиз. Асосийси, улар ёзги таътилни беҳуда, назоратсиз ўтказмайдилар.

Бир сўз билан айтганди, бугунги кунда ҳар бир ўқитувчи, ҳар бир устоз ва ҳар бир ватанпарвар фуқаро “Долзарб 90 кунлик” сингари муҳим ташаббусларнинг амалий тасдиғини топишида ўз хиссасини қўйиши лозимдир.

Бу – орзуларга етакловчи ҳаракат, бу – ёшлар учун очилган янги имкониятлар эшиги.

Маҳфуза ЖЎРАЕВА, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек туманидаги 121-умумтаълим мактаби ўқитувчиси.



Олдинги ҳолат

ТАШЛАНДИҚ МАСКАН ЎРНИДА ЗАМОНАВИЙ ДАРГОҲ

Миллат келажаги бўлган ёш авлоднинг таълим-тарбияси ҳамиша долзарб бўлиб келган. Бугунги глобаллашув жараёнида бу янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу нуқтаи назардан юртимизда фарзандларимиз учун кенг имкониятлар яратилаётгани қувонарли. Бунини Сурхондарё вилояти Денов туманидаги 30-сонли мактабгача таълим ташкилоти мисолида ҳам кўриш мумкин.

– Яқинда олтмиш олти ёшни қаршиладим, – дейди тарбиячи Мавлуда Худойкулова. – Қарийб ярим аср – 47 йилдан буён шу ерда меҳнат қиламан. Мана бу уч қаватли янги боғчанинг фойдаланишга топширилгани кўп йиллик орзуларимиз рўёби бўлди.

Ховлида фусункорлик бахш этиб турган гуллардан бахри дилингиз очилса, дов-дарахтларнинг соя-салқини танга ҳузур бағишлайди. Лойиҳа қиймати 4 миллиард 700 миллион сўмни ташкил қиладиган масканда 150 нафар жажжилар 7 гуруҳга бўлинган ҳолда таълим-тарбия олмоқда. Ошхона, ётоқхона, машғулоти, тиббиёт ва бошқа хоналар ишлаб турибди. Сўнгги русумдаги ускуна ва техникалар келтирилган.

Маълумки, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш оилалар фаровонлигига хизмат қилиши табиий. Даргоҳда 12 нафар опасингилларимиз ишга қабул қилиниб, ишчи-хизматчиларнинг умумий сони элликка яқинлашгани айтиш мумкин.

– Боғчамиз ўтган асрнинг 70-йилларида пойдеворсиз қурилган экан, – дейди тарбиячи Соҳиба Авазова. – Аллақачон сувоқлари кўчиб, деворларга дарз кета бошлаганди. Эшик-ромлар “ғичирлаган” овоз чиқарар, пол тахталари синиб кетган эди. Дераза ойналари ўрнида “клёнка”дан фойдаланганмиз. Собик тузумдан қолган жиҳозлар аллақачон “умрини” ўтаб бўлган, шифтдан ёмғир суви ўтиб, иситиш тизимлари мутлақо ишламагани ҳам эсимизда.

Узоқ йиллик бу муаммоимиз ижобий ечим топганидан мамнунмиз. Ҳар жиҳатдан кўркем масканда меҳнат қилиш масъулиятни теранроқ ҳис қилиш билан бир қаторда, келажакка бўлган ишончни ҳам оширмоқда. Болажонларимизни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш йўлида куч-ғайратимизни аямаймиз.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.



Ҳозирги ҳолат

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

QURBON

HAYITI

MUBORAK BO'LSIN!

Zamonaviy va qulay xizmatlar siz uchun!

www.brb.uz

1254

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши партия рамзи туширилган қўйидаги тарғибот воситаларини тайёрлатиш ва харид қилиш бўйича танлов эълон қилади:

- 10 минг дона А6 ҳажмли блокнот;
- 10 минг дона А6 ҳамжли сайловолди дастури;

- 20 минг дона кўкрак нишони;
- 15 минг дона пластик пакет;
- 5 минг дона ручка;
- 5 минг дона бинафшаранг кепка

Тижорат таклифлари 2025 йил 19 июнь кунига қадар қўйидаги манзилда қабул қилинади:

100029, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5/3.

Изоҳ: танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирган корхона ва ташкилотлар амалга ошириладиган хизматларнинг таснифларини (71) 239-19-73 телефон рақами орқали маълумот олишлари мумкин.

MUASSIS: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ MARKAZIY KENGASHI	Ўzbekiston Ovozi TAHRIR HAY'ATI: Ulug'bek INOYATOV Ulug'bek VAFOYEV Maqsuda VORISOVA Qalandar ABDURAHMONOV Guliston ANNAQILICHEVA Muslihiddin MUHIDDINOV Olim RAVSHANOV Toshtemir XUDOYQULOV	Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA MANZILIMIZ: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3 Телефонлар: (71) 239-12-14 Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq. Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.	Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan. Navbatchi: Ravshan SHODIYEV Г — 537. 1657 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi — 220. t — Tijorat materiallari O'zA yakuni — Topshirilgan vaqti — 22:30 1 2 3 4 5 6 Sotuvda kelishilgan narxda
---	--	---	---